



СОЛИҚ ТАҲЛИЛИДА ҲИСОБ-АХБОРОТ МАНБАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Ҳотамов Комил Раббимович

Солиқ қўмитаси ҳузуридаги

Фискал институти, и.ф.д., профессор

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a18

Аннотация. Ушбу мақолада солиқ таҳлилини ташкил этишда бухгалтерия ҳисоби ахборотларидан фойдаланишнинг аҳамияти ҳамда ҳисоб-ахборот таҳлил манбалари ўрганилган. Шу билан бирга солиқ таҳлилини самарали ташкил этишда таҳлилнинг ҳисоб-ахборот таъминотини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: иқтисодий таҳлил, солиқ таҳлили, солиқ таҳлили ҳисоб-ахборот таъминоти.

ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИСТОЧНИКОВ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА В НАЛОГОВОМ АНАЛИЗЕ

Ҳотамов Комил Раббимович

Налоговый институт при

Налоговом комитете, д.э.н., профессор

Аннотация. В данной статье рассматривается значение использования учетной информации при организации налогового анализа и источники анализа учетной информации. Вместе с тем, при эффективной организации налогового анализа сформулированы предложения и рекомендации, направленные на улучшение бухгалтерского информационного обеспечения анализа.

Ключевые слова. экономический анализ, налоговый анализ, налоговый анализ, учетная информация.

EFFECTIVE USE OF ACCOUNTING SOURCES IN TAX ANALYSIS

Hotamov Komil Rabbimovich

Fiscal Institute under the Tax Committee, professor

Abstract. This article examines the importance of using accounting information in the organization of tax analysis and the sources of accounting information analysis. At the same time, in the effective organization of tax analysis, proposals and recommendations aimed at improving the accounting information supply of the analysis have been formulated.

Keywords: economic analysis, tax analysis, tax analysis accounting information supply.

Кириш. Иқтисодий таҳлил деганда одатда иқтисодий воқеа ҳодисаларнинг содир бўлиши, ривожланиши ва ўзгаришини, моддий ва бошқа бойликлардан оқилона фойдаланаётганлиги ҳамда самарадорлигига баҳо бериш тушунилади.

Ҳўжалик юритувчи субъектларда таҳлил ишларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки таҳлил натижаларидан корхона молия-ҳўжалик фаолиятини баҳолашда ҳамда келажакда корхонани ривожлантириш режаларини тузишда фойдаланилади.

Таҳлил барча тармоқларда, жумладан саноат, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, қурилиш, савдо фаолияти ва бошқа соҳаларни қамраб олади. Мазкур тармоқларни таҳлил қилишда уларнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинади. Шу боис,

таҳлил ишларини ташкил этишда турли хил ёндашув ва услубидан фойдаланилади.

Таҳлил ишларини ташкил этишда биринчи навбатда ишончли ахборот таъминотини шакллантириб олиш лозим. Таҳлил қилинаётган тармоқ бўйича олинадиган хулосанинг ишончлилиги бевосита ахборот, маълумотлар базасининг тўғри танланганлигига боғлиқ. Агар маълумотлар базаси ишончли ва тўлиқ бўлса натижалар ҳам ишончли бўлади. Шу боис, таҳлилда ахборот билан таъминланганлик муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлилда фойдаланиладиган ахборот манбалари маълумотларни олинишига қараб ички ва ташқи ахборот манбаларига бўлинади. Ички ахборот манбаларига – таъсис ҳужжатлари, бошланғич ҳужжатлар, асосий воситалар ва айланма маблағлар ҳамда уларнинг

баҳоланиши тўғрисидаги маълумотлар, пул маблағларининг ҳаракати билан боғлиқ бўлган бошланғич ҳужжатлар, корхона даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги маълумотлар, инвесторлар, мол етказиб берувчилар, харидор ва буюртмачилар, эмитент ва ҳиссдорлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи юридик ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисобининг аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотлари, оператив ва статистик ҳисоб маълумотлари, аудиторлик ва солиқ текшируви далолатномалари, банк ва бошқа органларнинг хулосалари, бизнес режа ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар киради.

Юқорида кўрсатиб ўтилганлар ички ахборот манбалари бўлиб, таҳлил қилиш учун асосий маълумотлар ҳисобланади. Аммо, бошқарув қарорларини қабул қилишда ташқи ахборотлардан ҳам фойдаланиш лозим. Уларга ижтимоий-сиёсий маълумотлар, яъни ҳукумат иқтисодий сиёсати ва ундаги ўзгаришлар, масалан, ҳисоб юритишга оид, солиққа тортишга оид, таъқиқловчи, рухсат берувчи, имтиёз кўринишидаги ва бошқалар; мамлакат ичидаги ва ташқарисидаги корхона маҳсулоти (иш, хизмати)га талаб ва таклиф тўғрисидаги ахборотлар, банкларнинг кредит фоиз ставкаси тўғрисидаги маълумотлари, турли хил эмитент ва биржаларнинг қимматли қозғалар ва бошқа қийматликлар бўйича биржа котировкаси маълумотлари, хорижий валютадаги курс ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар, таҳлил қилинаётган корхона ҳамкорлик қилаётган корхоналарнинг иқтисодий ҳолати ва рейтинги тўғрисидаги ахборотлар, мамлакат иқтисодиётининг айрим тармоқларининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари ҳақидаги маълумотлар; корхона билан ҳамкорлик қилувчи инвесторлар, мол етказиб берувчилар, харидор ва буюртмачилар, рақобатчиларнинг молиявий барқарорлиги тўғрисидаги маълумотлар; янги технология ва ускуналар тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Корхона хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда таҳлилнинг бир қанча усуллари билан фойдаланилади. Бу усуллар таҳлил маълумотларини қайта ишлаш ва натижага таъсир қилувчи омилларни аниқлашга ёрдам беради. Таҳлил, асосан диалектикага таяниб, жамиятдаги ҳар бир воқеа ва ҳодисани бир – бири билан ўзаро боғлиқликда, алоқада бўлишини инкор қилмаган, уларнинг ҳар бири ўзаро ҳаракатда ва ривожланишда деган хулосага таянган ҳолда амалга оширилади.

Шу боис, таҳлилни ташкил этиш, жумладан, солиқлар таҳлилини ташкил этишда

ахборотни тўғри манбалардан олиш муҳим. Чунки маълумотлар аниқ, ишончли ва тўлиқ бўлса чиқариладиган қарорлар, хулосалар ҳам аниқ бўлиб, турли қарорларни қабул қилишда чалкашликни келтириб чиқармайди.

Адабиётлар таҳлили. Сўнгги йилларда хўжалик юритувчи субъектлар таҳлилини ўтказиш чуқурлашиб бориб, молиявий ҳисоботлар таҳлили, хўжалик фаолияти таҳлили, иқтисодий таҳлил каби объектлар таҳлилида анчагина илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Бугунги кунда солиқ ва молия органлари томонидан солиқлар таҳлили амалга оширилади. Аммо, мазкур таҳлиллар бюджет даромадларини шакллантирилиши, прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши нуқтаи назаридан амалга оширилади.

Бизга маълумки, солиқлар таҳлилини амалга ошириш орқали солиқларнинг аниқ тўланиши, корхона молия-хўжалик фаолиятига таъсирини ҳисобга олиш билан бирга, субъект томонидан солиқларнинг ўз вақтида тўланиши назоратга олиниб, пеня ва жарималар тўланишининг олди олинади. Бундан ташқари, биринчидан, солиқ имтиёзларини, солиқ ҳисобини юритилишини таҳлил қилиш орқали тузилган солиқ ҳисоби сиёсати солиқ имтиёзларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга олиб келади. Иккинчидан, солиқлар ҳажмини ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш орқали солиқ харажатлари рентабеллигини ўзгартиришга ҳаракат қилинади. Энг асосийси солиқ тушумларининг истиқболлари белгиланади.

Солиқлар таҳлили бўйича айрим иқтисодий адабиётлар ва диссертация ишларида таҳлилий тадқиқотлар олиб борилган, аммо уларнинг барчасида солиқлар таҳлили бир тизимга солинган ҳолда тўлиқ ўрганилмаган. Жумладан, Жумладан, Е.В.Егорова ўз диссертация ишида солиқлар таҳлилининг концептуал асосларини ёритиб бериб, асосий эътиборни информацион технологиялар фаолияти билан шуғулланадиган субъектларда солиқлар таҳлилини ўтказишга қаратади [1].

Е.В.Егорова солиқлар таҳлилини амалга оширишда ахборот манбаларини тўртта гуруҳга бўлади: солиқ ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари; бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари; статистик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари; ҳисобдан ташқари маълумотлар – солиққа оид қонун ҳужжатлари, солиққа оид умумий статистик маълумотлар, корхона ҳисоб сиёсати маълумотлари, ижтимоий сўров маълумотлари ва бошқалар [1].


Л.В.Усатованинг фикрича, солиқ таҳли-ли натижасининг самарадорлиги сифатли ахборот таъминотига боғлиқ. Солиқ таҳли-лининг ахборот базасига нафақат молиявий ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини киритади, балким солиқ ҳисоби ва ҳисоботи, бошқарув ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларидан фойда-ланишни ҳам асослайди [3].

Т.В.Балабанова фикрича, ноаниқлик ша-роитида ягона ахборот майдонида тўпланган ва фойдаланиладиган ахборот сифати жуда катта аҳамиятга эга. Ахборотнинг сифати бух-галтерия ҳисоби ва ҳисоботи соҳасининг кўплаб хусусиятларидан бўлиб, у бухгалтерия ҳисоби маълумотларини турли гуруҳларидан фойдаланувчиларнинг ахборот эҳтиёжини қондириш қобилиятини аниқлайди [4].

Солиқ таҳлилини ахборот билан таъ-минлаш молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисоби

тизимларида шакллантирилган. Бу, биринчи навбатда, солиқ таҳлилининг молиявий ме-нежмент, бухгалтерия ҳисоби, харажатларни бошқариш каби бошқарув тизимлари билан узвий боғлиқлигини аниқлайди [5]. Солиқ таҳ-лили корxonани молиявий таҳлилининг тар-кибий қисмидир ва хўжалик юритувчи субъ-ектнинг даромадлари, харажатлари ва фойда-ларини таҳлил қилиш асосида амалга ошири-лади [6]. Солиқни таҳлил қилиш воситалари-дан фойдаланиб, даромадлар ва харажатлар-ни бошқариш, солиқларнинг ташкилотнинг асосий кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш мумкин [7].

Бундан ташқари муаллиф солиқлар таҳ-лилини ўтказиш мақсадига қараб ахборот манбаларини гуруҳларга ажратиб, солиқлар таҳлилининг ахборот манбаларини чизма кў-ринишида ифодалаб берган (1-расм).



1-расм. Солиқ таҳлили ахборот манбалари

Расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, солиқ бухгалтерия ҳисоби тизими маълумотларидан ҳам тўғридан-тўғри ҳам ҳисобот кўринишида фойдаланиш мумкин, статистик ҳисобот ва ҳисобдан ташқари маълумотдан эса фақат тўғридан-тўғри фойдала-ниш мумкин.

Муаллиф томонидан шакллантирилган расм маълумотларидан кўринадики, солиқлар таҳлили учун асосий ахборот манбаи – бухгал-терия ёки солиқ ҳисоби тизими маълумотла-ри ҳисобланади. Одатда солиқлар таҳлили ҳисобланган ва тўланган солиқлар динамик ўзгаришларини аниқлаш мақсадида бухгалте-

рия ҳисоби ва солиқ ҳисоби маълумотлари асосида ўтказилади. Бунда солиққа тортила-диган базанинг шаклланилиши ва унга таъ-сир қилувчи омиллар таҳлил қилинади. Ҳи-соб-китоб кўрсаткичларига даромад ва хара-жат, маълум бир давр учун солиқ имтиёзлари, рентабеллик даражаси каби кўрсаткичлар киритилади.

Таҳлил ишлари тизимли ташкил этили-ши олинандиган ҳулосанинг ишончли бўлиши-га хизмат қилади. Бунда солиқ мажбуриятла-рининг пайдо бўлиши ва тўлаш муддатлари, кечиктирилган солиқ мажбуриятлари, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш самарадорлиги,

солиқ юкини оптималлаштиришга эришиш, солиқ суммасига таъсир қилувчи омилларга эътибор қаратилиши лозим. Юқорида таъкидланганидек, солиқлар таҳлилини амалга оширишда бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда молиявий ҳисобот маълумотларидан кенг фойдаланилади. Солиққа оид маълумотлар бухгалтерия ҳисобида ҳам ўз аксини топади, жумладан, бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг тегишли сатрлари солиқ таҳлилини амалга оширишда асосий ахборот манбаларидан бири ҳисобланади.

Б.Исроилов солиқлар таҳлили ахборот манбаларига тўхталар экан, таҳлил учун зарур маълумотларни бухгалтерия баланси актив қисми иккинчи бўлимидаги дебиторлар таркибидан (270, 280-сатрлар) олиш мумкинлигини, баланснинг пассив қисмидан эса маж-

буриятлар таркибидаги (540, 650, 680, 700 - сатрлар) тегишли сатрлар олиш мумкинлигини таъкидлайди [2].

Муаллиф томонидан келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, фақатгина ҳисобот даври якунлари бўйича ёки ташқи таҳлилни амалга ошириш мумкин. Чунки ҳисобот маълумотларидан фақат ҳисобот шакллантирилгандан кейин фойдаланиш мумкин. Молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланиб эса, асосан ташқи таҳлилни, яъни солиқ органлари, инвесторлар бошқа манфаатдор ташкилотлар томонидан ўтказиладиган таҳлилни амалга ошириш мумкин.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Ўрганишлардан кўришимиз мумкинки, солиқлар таҳлили учун керакли ахборот манбалари ҳисоботларнинг қуйидаги сатрлари ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

Молиявий ҳисоботда акс эттириладиган солиқлар таҳлили учун керакли ахборот манбалари

т/р	Ҳисобот шакли	Сатр коди	Кўрсаткич номи
1.	Бухгалтерия баланси	270	Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари
		540	Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар
		650	Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар
		680	Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)
2.	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот	250	Фойда солиғи
		260	Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар
3.	Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот		
4.	Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот	190	Фойдадан тўланган солиқ
		200	Тўланган бошқа солиқлар

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, молиявий ҳисобот шаклланинг айрим сатрларида солиқлар тўғрисида маълумотлар берилган. Фикримизча, солиқ суммаларини молиявий ҳисобот шаклларида тўлиқ ажратиб кўрсатиш лозим. Яъни, олдинги бобларда солиқлар ҳисобига оид камчиликларни кўриб ўтдик. Жумладан, импорт операциялари чоғида ҳисобланган ва тўланган солиқлар 6900 сўтга олиб борилиши, солиқ имтиёзларининг белгиланган тартибда 8530 сўтга ҳисобдан чиқарилиши ва бошқалар. Молиявий ҳисобот шаклларида эса мазкур сўтларда акс эттирилган солиқ суммалари кўринмай қолади. «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда»ги «Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот»да эса жорий ҳисо-

бот даврида ҳисобланган ва тўланган солиқ суммалари акс эттирилади.

Яна бир жиҳати, солиқлар ҳисобланиши ва тўланиши узоқ муддатни ташкил этадиган ҳолатларда (лизинг, ижара ва б) жами(бир неча йиллар учун) ҳисобланган солиқ суммасини 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» сўтида акс эттирилиши ҳисобланган ва ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган суммалар ўртасидаги фарқни келтириб чиқаради. Масалан, корхона жорий йилда ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган барча солиқларни тўлаб бўлган, аммо, узоқ муддатли шартномалар бўйича ҳисобланган солиқ суммаси ҳисобига қарздорлик суммаси сунъий равишда пайдо бўлади. Чунки, барча ҳисоб-китоблар 6410-«Бюджетга тўловлар бў-

йича қарзлар (турлари бўйича)» счётининг маълумотларини умумлаштириб кўрсатади.

Бундан ташқари, солиқлар ҳисобини юритишда айрим солиқлар бўйича тўловларнинг бошқа мажбурият счётларига олиб борилиши ҳам солиқ ва аудиторлик назоратини анчагини мураккаблаштириб, таҳлил ишларини ташкил этишда ҳам етарли ахборот бера олмайди. Амалиётчи бухгалтерлар, солиқ органи ходимлари, аудиторлар ва бошқа ҳисоб ишлари билан шуғулланадиганлар кўз олдига 4400-«Бюджетга бўнак тўловлари»ни ҳисобга олувчи счёт, 6400-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз»ни ҳисобга олувчи счётлари келади. Дарҳақиқат, мазкур счётлардаги маъ-

лумотлар бюджетга тўланган аванс тўлови ва Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича) ларни акс эттиради. Аммо, амалдаги меъёрий ҳужжатлар, адабиётларда солиқлар ҳисобини анча мураккаблаштирувчи, чалкаштирувчи ҳолатлар ҳам борки, улар солиқ суммаларини аниқ бир счётлар орқали таҳлил ва назорат қилиш имкониятини бермайди.

Бизнинг фикримизча, амалиётда қўлланилаётган ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти билан тартибга солинган счётлар тизимини оптималлаштириш мақсадида уларни алоҳида солиқ суммаларини акс эттирувчи счётлар орқали тизимга келтириш лозим (2-жадвал).

2-жадвал

Солиқлар ҳисоби юритиладиган амалдаги счётлар

т/р	Счёт мазмуни	Амалдаги счётлар рақами
1.	Бюджетга бўнак тўловларини	4400
2.	Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)	6400
3.	Импорт жараёнида ҳисобланган акциз ва қўшилган қиймат солиқлари	6900
4.	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар	7240
5.	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар	7250
6.	Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёзлари фойдаланиш муддати тугаши билан ёки фойдаланиши натижасида ҳисобдан чиқарилиши	8530
7.	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар-жорий қисми	6240
8.	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар-жорий қисми	6250


Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Бугунги кунда бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқлар – 6200 – «Кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар», 7200 – «Кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар», 6900 – «Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар», 8530 – «Текинга олинган мулк» ва бошқа шунга ўхшаш солиққа алоқаси бўлмаган счётларда акс эттириб келинмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, маълумотлар шаффофлигини, ҳисоб ишларини осонлаштириш, солиқ ҳисобини юритиш ва ҳисоботини шакллантиришда, солиқлар, жумладан билвосита солиқлар таҳлили учун маълумотларни олишда қулайлик туғдириш мақсадида: жорий солиқ қарзларини 6400-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича) счётида акс эттириш» узоқ муддатли қисмини эса 7400-«Бюджетга тўловлар

бўйича қарзлар (турлари бўйича)» счётини очиш ва унда акс эттириш лозим (2 - расм).

Солиқларни мазкур тартибда ҳисобга олиниши 4400, 6400, 7400 счётларида солиқ суммаларининг жамланишига олиб келиб, таҳлил ва назорат ишларини анчагина осонлаштиради. Бугунги кунда 6400 - счёт таркибида фақат 6410 – Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича) (турлари бўйича) счёти амалиётда қўлланилади. Солиқ бўйича қарздорликларнинг қолганлари (6990, 6240, 6250, 7240, 7250) умуман бошқа маънога эга счётларда акс эттирилади. Умуман олганда, 6410 дан бошқа (6420-6490 гача) счётлардан солиқлар ҳисоби ва таҳлилинини соддалаштириш, ахборот манбаларини аниқлаштириш мақсадида фойдаланиш керак. Мазкур таклифлардан келиб чиққан ҳолда молиявий ҳисоботнинг ҳам тегишли сатрларига ўзгартиришлар киритиш лозим.



2-расм. Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича) ни счётларда акс эттирилиши

Манба: муаллиф таклифлари асосида шакллантирилган.

Хулоса ва таклифлар. Ўрганишлар асосида куйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, бухгалтерия балансининг моддаларида 6990,6240, 6250, 6410, 7240, 7250 счётларининг ҳар бири алоҳида сатрларда акс эттирилади. Корхона жами солиқ қарзини баланс маълумотлари асосида ҳисоблаш, йиғиш учун бир неча счётлар маълумотларини умумлаштириш орқали амалга оширади. Жумладан, 6900-«Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар» счётдаги солиқ суммасини умуман аниқлашнинг иложи йўқ. Чунки, мазкур счётдаги солиқ суммаси бошқа кредиторлик қарзлари билан қўшиб балансда акс эттирилади.

Иккинчидан, турли счётларда солиқ тўғрисидаги маълумотларни келтирилиши таҳлилни ишончсиз, тўлиқ бўлмаган ахборот билан таъминлашга олиб келади.

Учинчидан, таклиф қилинаётган счётлардаги таркибий ўзгариш ва янги таклиф этилаётган счётларнинг қўлланилиши счётлар бўйича маълумотларни умумлаштириш имкониятини бериш билан бирга, солиқ суммаларини бир тизимга келтиради. Бу эса, солиқ таҳлилини ўтказишда қулайлик туғдириб, солиқ ҳисоботлари билан баланс маълумотларини таққослама таҳлил қилиш имкониятини бериб, солиқ таҳлили учун олинган маълумотларнинг шаффофлигини таъминлайди.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Егорова Е.В (2014). *Налоговый анализ в организациях. – Диссертация. – М.: 142 с.*
2. Исроилов Б.И. *Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. - Т.: «Ўзбекистон», 2006.– 272 б.*
3. Усатова Л.В. *Формирование управленческой и налоговой составляющей учетно-аналитической системы расходов в условиях неопределенности в период трансформации международных стандартов финансовой отчетности. Автореферат д.э.н., Орел – 2008. Ст 15.*
4. Балабанова, Т.В. *Управленческий анализ как элемент управленческой учетной системы, его роль в информационном обеспечении менеджмента / Т.В. Балабанова // Вестник ГиЭТ. - 2012. - №3.*
5. Гудков А.А. *«Сущность и роль налогового анализа в системе управления налогообложением».* [Международный экономический форум 2014.](#)
6. Дедкова, Е.Г. *Информационное обеспечение анализа налоговых затрат [Текст] / Е.Г.Дедкова // Управленческий учет. - 2010. - №8. – С. 49-56.*
7. Попова, Л.В. *Налоговый анализ: учебное пособие для высшего профессионального образования / Л.В. Попова, Н.Г. Варакса, Е.Г. Дедкова. – Орел: ФГОУ ВПО «Государственный университет – УНПК», 2011. – 165 с.*